

**EFFECTIVE USE OF INVESTMENT IN THE DEVELOPMENT OF THE
TERRITORY OF THE ECONOMY**

Tozhboev Komiljon Kurbonovich

NamSU

Tolliboev Samad Tolliboy oglı

SamSU

email: samadtoliboyev@mail.ru, +998333713398, Tel: +998945713398

Annotation

The article focuses on performance oriented innovation. A number of issues related to the search for effective mechanisms to achieve financial goals by studying the foreign experience of innovation.

Keywords: Investment policy, investment projects, investment activities, innovative infrastructure.

“Инвестиция сиёсатини юритишда давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушкини ошириш кераклигини геология соҳасида 21 та кон ва истиқболли майдонлар очиқ оукцион орқали инвестирларга сотилади. 2021 йилда яна 50 та кон ва истиқболли майдонлар маҳаллий ва чет эллик инвесторларга очиқ оукционлар асосида сотилади.”

2021 йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш зарур натижада 226 та йирик инфиратузилма обектлари ишга туширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, инвестиция сиёсатининг макродаражадаги бош мақсади кайта ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, мамлакат моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, умумиқтисодий тараққиётига эришишга (ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши, янги иш жойлари миқдорини кўпайтириш киритилган маблағлар самарадорлигини ошириш)га қараталган инвестиция жараёнларининг давлат томонидан тартибга солиниши ва қўллаб-куватланишининг таъсирчан тизимини яратишdir. Микродаражада у хўжалик субъектлари томонидан фонда (даромад) олиниши мақсадига бўйсундирилган.

Мазкур мақсадга мувофиқ давлат инвестиция сиёсатининг асосий вазифаларини куйидагича таърифлаш мумкин:

- инвестиция фаолиятини жонлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган мақсадли йўналтирилган сиёсат юритиш;
- маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида устувор тармоқларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш;
- инвестиция лойихаларининг танлов асосида давлат томонидан молиялаштирилишини амалга ошириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида «очик» иқтисодиёт сиёсатини олиб бориш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- қурилиш материаллари ва пудрат ишлари бозорини ривожлантириш.

Инвестиция муҳити - бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-хукуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуидан иборат. Инвестиция муҳити табиий шарт-шароитлар, фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртacha иш хақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сифими, товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиқка тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг яратилганлиги каби омиллар орқали белгиланади. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан бўен қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмокда.

Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясида таъкидланганидек ишлаб чиқариши модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойихаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Корхона ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида фаолиятни амалга оширишда самарадорлик муҳим аҳамиятга эга кўрсаткичлардан ҳисобланади. Самарадорлик бу маълум фаолият учун қилинган ҳаражатларнинг қай даражада самара келтиришини ифодаловчи кўрсаткичdir. Иновацион фаолиятга ҳам инвестиция жалб

қилингандан кейин албатта унинг самарадорлик даражасини назорат қилиб бориш ва самарадорликни оширишга алоҳида эътибор бериш керак.

Инновацион фаолиятга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини оширишда куйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

- инвестициянинг самарадорлик таҳлилини ўтказиш;
- амалга оширилаётган инновацион лойиҳанинг амалга ошиш даврини таҳлил қилиш;
- хориж тажрибасини ўрганиш ва иқтисодиётимизга тўғри келадиган томонлардан фойдаланиш;

-инновацион фаолиятни молиялаштиришга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш.

Мамлакатимизда ҳозирга қадар молия бозори етарлича ривожланмаганлиги сабабли, лойиҳавий молиялаш кўпчилик ҳолларда банк кредитлаши шаклида амалга оширилмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики дунёда кенг тарқалган бошқа усувлар қимматли қоғозлар чиқариш, инвестиция фонdlари ташкил қилиш, банк консорциумлари, нафақа жамғармалари, лизинг компаниялари ва ҳоказолардан фойдаланиш орқали инновацион фаолиятга йўналтириладиган инвестициялар самарадорлигини ошириш мумкин.

Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаш корхоналарнинг, айниқса, кичик бизнес корхоналарининг ўз маблағлари етишмаслиги туфайли олға силжимаяпти. Экспортга йўналтирилган лойиҳалар устувор деб топилганлиги сабабли, лойиҳаларнинг катта қисми рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш имконини берадиган замонавий юқори унумли технологиялар ва ускуналарни жорий этиш йўли билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун асосан тижорат банкларининг кредитлари жалб қилинмоқда. Бунда ускунанинг пировард қиймати ускунанинг хисобланиб чиқилган нархи (етказиб бериш ва монтаж қилишни ҳам ҳисобга олган ҳолда) кредит линиялари, экспорт суғурта мукофотининг қиймати, кредит учун тўланадиган фоизлар, маҳсулот етказиб берувчи фирмалар хизматчиларнинг қиймати, инвестиция давридаги фоизлар ва банк комиссиялари, шунингдек ускуналарни суғурталаш қийматидан таркиб топган.

Инновацион фаолиятни амалга оширишда хориж тажрибасини ўрганиш ва иқтисодётимизга тўғри келадиган томонларидан фойдаланиш ҳам самарали йўллардан бири ҳисобланади. Ҳозирда ривожланган мамлакатлар инновацион фолиятнинг уч модели

мавжуд. Улар қуидагилар:

- Фанда етакчилик қилишда илмий ишлаб чиқариш циклининг барча босқичларини қамраб оладиган, одатда мудофаа соҳасида йирик улушга эга бўлган илмий-инновацион потенциалга эга йирик кўламдаги мақсадли лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган (АҚШ, Англия, Франция);
- Янгиликларни кенг тарқатиш, қулай инновацион муҳитни вужудга келтириш, иқтисодиётнинг бутун тузилмасини рационализация қилишга йўналтирилган (Германия, Швеция, Швецария);
- Инновацион инфратузилмани ривожлантириш, жаҳон илмий-техник тараққиёти ютуқларини қабул қила олиш қобилиятини таъминлаш, фан ва технологиялар соҳасида турли секторларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга йўналтирилган (Япония, Жанубий Корея)

Охирги йилларда бу борада мамлакатимизда ҳам қўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, хўжалик юритувчи субъектлар қисқа муддат ичida ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва шу асосда ички ҳамда ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Миллий иқтисодиётимизни модернизация қилиш, унинг илмий салоҳиятини янада юксалтиришда илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу маънода Ўзбекистонда сўнгги йилларда илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, республиканинг реал секторида инновацион фаолиятни юксалтириш, ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд вилояти мисолида ўтган 2019-йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар 9798.6 млрд.сўмни ташкил қилиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 128.2 фоизни ташкил қилиб, марказлашган инвестициялар 2046.2 млрд сўм 2.1 марта, марказлашмаган инвестициялар 7752.4 млрд сўм ўтган даврга нисбатан 116.1 фоиз корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1909.2 млрд сўм, ахоли маблағлари ҳисобидан 1551.1 млрд сўм тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кридитлар ҳисобидан 2108.2 млрд сўм ёки 10.3 марта кўпайган.

Инвестициялар учун зарурий молиявий манбаларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган. Бу эса биринчи навбатда истеъмол ва жамғарма нисбатига боғлиқ. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишда, ўз моделини амалга ошираётган Ўзбекистон

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON
HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES**

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

инвестицияларини молиялаштиришнинг самарали усуллари, механизимлари ва воситаларини излашда давом этмоқда. Иқтисодиётнинг барча мулкчилик секторлари доирасида инвестиция фаолиятининг кучайиши инвестиция лойиҳаларини зарур бўлган ишончли молиявий манбаларини излаб топиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал қилиш заруриятини кундалик қилиб қўйди. Мамлакат инвестиция фаолиятида айниқса хорижий инвестиция иштироки кучайиши билан бу масалалар аҳамияти ошиб боради.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожатномаси. 2020 йил 30 декабрь
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Т., 2020 й.